Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 236 (5227)
17 ОКТЯБРЬ 1983 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПРАВДА саҳифаларида

● «Улуғ Октябрни қаршилаб» — КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигига Чақириқларига бағишланган газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг Раиси Э. Хонеккернинг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико шу йил 17—18 октябрь кунлари дўстона визит билан Германия Демократик Республикасига боради.

Яшасин улуғ Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида—коммунизм ғалабаси сари, олға!

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигига

ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги давр — социализм ва коммунизм тантанаси даврини очган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Партия билан халқнинг бирлиги, улуғ Ленин васиятларига садоқат — барча ғалабаларимизнинг гаровидир!

5. Коммунистлар! Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь ва июнь Пленумлари тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

6. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирингиз!

1983 йил планини, XI беш йиллик топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича бажарайлик!

7. Коммунизм бинокори, тинчлик учун матонатли ва изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

8. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг мустаҳкам иттифоқи!

9. Яшасин жамиятимиз куч-қудратининг ҳаётбахш манбаи — Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлиги!

10. Яшасин чинакам демократик ҳокимият органлари — халқ депутатлари Советлари!

Совет Иттифоқи гражданлари! Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда актив қатнашингиз!

11. Совет касаба союзлари! Меҳнаткашларнинг меҳнат активлигини ва ижодий ташаббусини ҳар томонлама ривожлантирингиз!

Яшасин бошқарув мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

12. Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви, коммунизм ёш бинокорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

13. Йигит ва қизлар! Билимларни, маданиятни, касб-кор маҳоратини сабот билан эгалланг!

Ватанимизнинг оташин ватанпарварлари, Ленин иши учун, коммунизм учун фидокорона курашчилар бўлингиз!

14. Шонли ветеранлар, ёшларнинг мураббийлари! Ўз билимингиз ва тажрибангизни ёш авлодга ўргатингиз!

Йигит ва қизларни Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялангиз!

15. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари! Ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда актив қатнашингиз!

Оналарга шон-шарафлар!

Бутун ер юзи болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

16. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштирингиз!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализм ғалабаларини сергаклик билан пухта ҳимоя қилингиз!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

17. Ленинчи большевикларга, Октябрь қаҳрамонларига, Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун барча довюрак курашчиларга шон-шарафлар!

18. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштирингиз! Фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини сабот билан практикага жорий этингиз!

Экономика интенсив ривожланаверсин!

19. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини янада оширишга эришингиз! Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини зарбдор меҳнат билан мустаҳкамлаш — ҳар бир меҳнатчининг ватанпарварлик бурчидир!

20. Совет Иттифоқи гражданлари! Иқтисод ва тежамкорлик учун умумхалқ ҳаракатида актив қатнашингиз! Хом ашёдан, техникадан, ҳамма моддий ресурслардан яхшироқ фойдаланингиз!

21. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий, социал ва тарбиявий вазифаларни ҳал этиш, социалистик демократияни янада ривожлантириш учун меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонундан тўла-тўкис фойдаланингиз!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Социалистик меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлангиз! Иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан тўла самара билан фойдаланингиз!

23. Ёқилғи-энергетика комплекси ходимлари! Нефть, газ, кўмир қазиб олишни, электр энергия ҳосил қилишни кўпайтирингиз!

24. Совет металлурглари! Мамлакатнинг металлга бўлган эҳтиёжини пухта таъминлангиз!

Тежамли металл маҳсулотлар сифатини оширингиз ва уларни кўпроқ ишлаб чиқарингиз!

25. Машинасозлар! Серунум, тежамли ва пишиқ машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари яратингиз!

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини техника билан қайта қуроллантиришни тезлаштирингиз!

26. Химия саноати ходимлари! Халқ хўжалигининг ва аҳолининг химиявий маҳсулот ҳамда материалларга бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлангиз!

27. Саноат ходимлари! Аҳоли учун керакли моллар ишлаб чиқаришни оширингиз, турларини янгилангиз ва сифатини яхшиланг!

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш —халқ хўжалиги барча тармоқларининг ишидир!

28. Транспорт ва алоқа ходимлари! Иш сифати ва самарадорлигини оширингиз! Халқ хўжалиги юклари узлуксиз ташилишига, аҳолига хизмат қилишнинг юксак маданиятига эришингиз!

29. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал қурилиш самарадорлигини оширингиз!

Замонавий техника асосида комплекс, тежамли ва сифатли қурингиз! Ишга туширилаётган объектларни ўз вақтида топширингиз!

30. Агросаноат комплекси ходимлари! Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлашни тезлаштирингиз! Мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлашга эришингиз!

Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўпроқ ҳисса қўшингиз!

31. Колхозчилар, совхоз ходимлари! Деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини активроқ жорий қилингиз! Дон, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўпайтирингиз!

Ердан, техникадан, ўғитлардан, меҳнат ва молия ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланингиз!

Келгуси йил ҳосилига эътибор ва ғамхўрлик қилайлик!

32. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари! Чорвачилик маҳсулдорлигини ҳар томонлама оширингиз, унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз!

Чорва қишловини намунали ўтказиш учун курашингиз! Гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтирингиз!

33. Қишлоқ хўжалиги, тайёрлаш, транспорт, қайта ишлаш ва савдо корхоналарининг ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нобуд бўлишига йўл қўймангиз!

Етиштирилган ҳамма маҳсулотни сақлаб қолайлик ва халқ бахт-саодати йўлида ишлатайлик!

34. Савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг талаб-эҳтиёжларини тўла-тўкис қондирингиз!

Хизмат соҳасига кун сайин эътибор берайлик!

35. Ихтирочилар ва рационализаторлар! Техника тараққиёти учун, Ватанимиз экономикасини янада мустаҳкамлаш учун курашчиларнинг олдинги сафларида бўлингиз!

36. Совет олимлари! Тадқиқот ишлари самарадорлигини оширингиз! Илм-фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилишига актив кўмаклашингиз!

37. Идеология фронти ходимлари! Ривожланган социализм жамиятининг ютуқларини, коммунистик идеалларнинг улуғворлигини ёркин очиб берингиз! Партия ғояларини оммага эътиқод ва эҳтирос билан етказингиз, империалистларнинг кўпорувчилик пропагандасини актив фош этингиз!

Идеология иши — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг ишидир!

38. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Коммунистик ғоявийлик, партиявийлик ва халқчиллик байроғини баланд кўтарингиз!

Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

39. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодга таълим ва коммунистик тарбия бериш самарадорлигини оширингиз! Мактабнинг ишлаб чиқариш билан боғланишини ҳар томонлама мустаҳкамлангиз!

40. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Аҳолига медицина хизматини яхшилангиз! Даволаш ва санитария муассасаларининг иш маданиятини оширингиз!

41. Физкультура ҳаракатининг оммавийлиги оширилсин! Физкультурачилар ва спортчилар! Совет спортининг шон-шуҳратини оширингиз!

42. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар, ленинча ташқи сиёсати!

Совет Тинчлик программасини рўёбга чиқарамиз!

43. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

44. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Яшасин пролетар, социалистик интернационализм!

45. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатларининг иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

46. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, ҳамкорлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги азму қарори!

47. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлиб, социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган халқларга қардошлик саломи!

48. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун мардона курашаётган халқларга қардошлик саломи!

49. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига қардошлик саломи!

50. Фашистлар зиндонларида азоб чекиб ётган кишиларга — озодлик, демократия ва социализм учун курашчиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқунлари озод қилинсин!

51. Жаҳон халқлари! Империалистик агрессияга ва зўравонликка қарши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кескинлик ҳамда танглик вазиятлари манбаларини тугатиш учун қатъият билан курашингиз!

52. Империализмга, мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган Африка халқларига қардошлик саломи!

Жанубий Африка ва Намибия халқларига озодлик!

53. Империализм ва реакцияга қарши, ўз мамлакатларининг демократик ривожланиши учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига қизғин салом!

54. Араб мамлакатлари халқлари! Исроил агрессиясига ва империализм зўравонлигига қарши курашда ўз сафларингизни жипслаштирингиз!

Совет — араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

55. Жаҳон халқлари! Исроил қўшинлари араблардан босиб олинган ҳамма ерлардан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қилингиз!

Империалистларнинг Ливандаги интервенцияси тўхтатилишига эришингиз!

Фаластинлик араб халқининг одилона кураши билан бирдамликни мустаҳкамлангиз!

Исроиллик ва америкалик агрессорлар шармандан-шармисор қилинсин!

Яқин Шарқда мустаҳкам ва одилона тинчлик ўрнатилсин!

56. Европа мамлакатлари халқлари! Ғарбий Европада Америкининг янги ракета-ядро қуроли жойлаштирилишига қарши курашни кенг авж олдирингиз!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик бўлсин!

57. Осиё мамлакатларининг халқлари! Империализмга, янги мустамлакачиликка ва гегемонизмга қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун курашингиз!

Осиё тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолсин!

58. Жаҳон халқлари! Империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига кескин зарба берингиз!

Қуролланиш пойгасини жиловлайлик, уруш хавфини тугатайлик, кескинликни юмшатишни қаттиқ туриб ҳимоя қилайлик ва чуқурлаштирайлик!

59. Бутун планета кишилари! Социалистик мамлакатларнинг биргаликдаги таклифлари, Совет Иттифоқининг янги ташаббуслари — халқаро кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлидаги муҳим қадамдир! Ядро фалокатининг олдини олиш учун курашдаги куч-ғайратларни кўпайтирингиз!

Ядро қуроли ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари тақиқланишини талаб қилингиз!

60. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

61. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Биз ҳаммамиз— пахтакормиз

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ газеталари, Ўзбекистон радиоси ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази

Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, А. Эгамназаров, А. Абдураззоқовларнинг репортажини газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борили тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Хоразм	2,31	73,01	1,75	34,61
Тошкент	1,91	69,73	1,65	56,73
Бухоро	1,28	68,05	0,23	6,72
ҚҚАССР	2,19	67,32	1,71	42,36
Фарғона	1,45	54,18	0,47	4,97
Наманган	1,57	52,53	1,66	27,35
Сурхондарё	1,36	52,31	1,58	27,78
Сирдарё	1,74	52,27	1,42	46,34
Қашқадарё	1,97	51,72	1,71	25,34
Навоий	2,02	51,65	0,96	10,59
Андижон	1,45	51,54	0,87	13,07
Жиззах	1,90	50,74	1,32	48,75
Самарқанд	1,78	49,62	0,87	14,03
Республика бўйича:	1,72	56,84	1,24	27,93

● Пахта йиғим-теримида зарбдор ой ҳисобланган октябрнинг биринчи ярми тугади. 15 октябрь эрталабгача республикамизда 3370732 тонна пахта тайёрланди. Унинг 270779 тоннаси иигичка толали пахтадир. Машиналарда мавсум бошидан бери жами 1101860 тонна пахта терилди.

• Газетанинг шу сонига интервью

ЮРАК СИРЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТИБ

БУГУН

Тошкентда миокард метаболизми, тузилиши ва функцияларини ўрганиш бўйича Бутуниттифоқ симпозиуми ўз ишини бошлади. Биз Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кардиология ва функционал диагностика кафедраси мудири К. И. Йўлдошевдан ушбу воқеани шарҳлаб беришни сўрадик.

Юрак-томир касалликларини диагностика қилиш ва даволашнинг янги самарали методларини ишлаб чиқиш, унинг энг ноёб сирлари—ҳужайра даражасида тузилиши, функцияси, модда алмашинувини ўрганмасдан туриб, асло мумкин эмас. Шу боисдан олимлар ҳозирги пайтда ҳайвонларда тажрибалар ўтказишяпти, юрак касалликларини моделлаштиришяпти, уларнинг ривожланиш механизмини ўрганишяпти. Даволашнинг янги методларини ишлаб чиқиб, уларнинг самарасини аниқлашяпти.

Экспериментал молекуляр кардиология муаммоларини ишлаб чиқишда бизнинг республикамиз олимлари, чунончи Ўзбекистон кардиология илмий-тадқиқот институти, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент медицина институти, шунингдек Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биохимия институти олимлари қатнашмоқдалар. Экспериментал кардиология бўйича навбатдаги симпозиумнинг Тошкентда ўтказилиши ҳам ўзбек олимлари эришган ютуқларнинг эътироф этилишидир.

Тўрт кун мобайнида экспериментал кардиология — биоэнергетика ва миокард метаболизми, юрак морфологияси, юрак касалликларини даволашнинг янги методларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарасини ўрганиш муаммолари бўйича тадқиқотлар натижалари ҳақидаги ахборотлар тингланади ва муҳокама этилади.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

• СЕРГЕЛИ РАЙОНИ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

ЙЎЛДОШ ШАҲАРЧА ЧИРОЙИ

Ҳурматли редакция! Маълумки, Сергели райони кундан кунга кенгайиб, кундан кунга чирой очиб боряпти. Шунинг учун ҳам биз унинг келажагини билишга жуда-жуда ошиқяпмиз. Хўш, келгусида район қандай кўринишга эга бўлади! Бу ерда қандай иншоотлар ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилади! Айниқса, Сергели районини шаҳар марказидан ажратиб турган экин майдонлари ўрнида нималар қуриш, бунёд этиш кўзда тутилган! Ана шулар ҳақида маълумот берсангиз.

С. АКБАРОВ, Н. НОСИРОВ, У. КАМОЛОВ, Х. ШАРОФИДДИНОВ,
Сергелидаги Тошкент меҳмонхоналар хўжалиги техникуми студентлари.

Ўша машъум Тошкент зилзиласидан сўнг ташкил этилган Йўлдош шаҳарча бугунги кунда ҳам энига, ҳам бўйига кенгаймоқда. Бир пайтлар бу ер қамишзор ва ташландиқ ерлардан иборат эди. Тошкент зилзиласи оқибатларини бартараф этиш, табиий офат туфайли бошпанасиз қолган кишиларни турар жой билан таъминлаш мақсадида пойтахтнинг жануби-ғарбида Йўлдош шаҳарча қуришга қарор қилинган эди. 1967 йилда эса бу шаҳарча ўрнида пойтахтнинг кенжа районларидан бири Сергели райони ташкил этилди.

Сергелини ҳақли равишда дўстлик кифтида бунёд этилган шаҳарча дейишади. Бу гапда жон бор. Унинг дастлабки турар жой биноларини, маданий-маиший объектлари ва саноат корхоналарини кўпгина иттифоқдош республикалардан келган бунёдкорлар қуришган. Сергелига дастлабки ғишт қўйилгандан бери 17 йил вақт ўтибди. Ана шу давр мобайнида бу район пойтахтнинг саноат ва транспорт юксак даражада ривожланган гўзал районларидан бирига айланди.

Сергели районининг территорияси 3,5 минг гектар майдонни эгаллаган. Тошкентнинг жануби-ғарбида жойлашган бу районда ҳозир (1983 йилнинг 1 январига бўлган маълумотга қараганда) 83 минг киши истиқомат қилади.

Сергели райони йирик саноат зонасига айланди. Бу ерда 30 га яқин турли хил саноат корхоналари ишлаб турибди. Улар тайёрлаётган ялпи маҳсулотнинг йиллик ҳажми 190 минг сўмликни ташкил этади. Бундан ташқари районда 20 дан ортиқ турли хил корхона, омбор хўжалиги, базалар мавжуд.

Сергели райони йирик турар жой зонасидир. Айниқса, ўнинчи беш йилликда районда бир қатор янги турар жой массивлари — Сергели — 1, 2, 3, 4 ва Қўйлиқ —5Б, массивлари қад кўтарди. Уларнинг умумий турар жой майдони 470 минг квадрат метрни ташкил этади. Шундан 433 минг квадрат метри маҳаллий Советларга қарашли турар жой биноларидир. Шунингдек, районда 5312 ўқувчи ўринли катта учта мактаб, 1920 ўринли олтита мактабгача бўлган болалар муассасалари ишга туширилди. Бундан ташқари қуввати 50 гигакалория бўлган район қозонхонасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Москва кўчасида тагида ЗАГС бюроси бўлган турар жой биноси ҳам қад кўтарди. 58-АТС фойдаланишга топширилди ва ҳозирда 10 минг номерли бу телефон станцияси ишлаб турибди. Сергели—2 массивида савдо маркази ишга тушди. Сергели—2 ва Сергели—3 массивларида ҳам бир қатор маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилди. Район территориясида бир қанча кутубхона, алоқа бўлимлари, дорихоналар, озиқ-овқат магазинлари, аҳолига хизмат кўрсатиш пунктлари ишлаб турибди. Районда ҳашар йўли билан савдо ярмаркаси ва колхоз бозорининг ёпиқ филиали қад кўтарди. Тасдиқланган бош планга кўра келгусида Сергели районида Сергели аэропортини ишга туширишга мўлжалланган.

Ўн биринчи беш йилликда районда жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Чунончи, 1700 минг квадрат метрга яқин турар жой биноларини қурилади. Район территориясида янги микрорайонлар, жамоатчилик бинолари, ўқув юртлари (масалан, автомобиль транспорти техникуми комплекси), маданият саройи, универсам, тўққиз қаватли экспериментал уй, мактабларарО ўқув ишлаб чиқариш комбинати, СССР Ички ишлар министрлиги ёнғинга қарши бошқармасининг олий инженер-техник мактаби факультети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармасининг ҳунар-техника билим юрти бинолари бунёд этилади.

Фақат ўтган икки ярим йил ичида районда бешта микрорайон бунёд этилди. 400 минг квадрат метрга яқин турар жой, мактаб, болалар боғчалари, магазинлар ва бошқа объектлар қад кўтарди. Юбилей йили сергелиликлар учун қувончли йил бўлди. Бунёдкорлар Сергели райони аҳолисига янги савдо объектларини, медицина муассасаларини туҳфа этдилар. Ҳозир бу ерда янги универсам қуриляпти. У Тошкентдаги энг катта универсал магазинлардан бири бўлади.

Хуллас, районнинг келажаги порлоқ. У ҳам энига, ҳам бўйига кенгайиб, шаҳар билан жисман туташиб кетади. Ҳозирги экин ерлари ўрнида ажойиб иншоотлар қад кўтаради. Йўлдош шаҳарча ҳамиша Тошкентга йўлдош бўлиб қолади.

З. ХУЖАЕВА,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

• ОЛТИ МИЛЛИОН ЙЎЛЛАРИДА

22. ТОШКЕНТЛИК ШИФОКОРЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

«Ўзбекистоннинг 6 миллион тонналик улкан хирмонини бунёд этишга ўз ҳиссамизни қўшамиз!» — Жиззах, Сирдарё областларининг пахта далаларида меҳнат қилаётган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси медицина ходимлари шиори ана шундай.

— 300 дан ортиқ врач, 218 нафар ўрта малакали медицина ходими, 71 нафар дезинфекциячи, 870 нафар субординатор, 10 та эпидемияга қарши, 10 та дезинфекция, 11 та консультация бригадалари ва 30 та консультация группасига бирикиб, колхоз ва совхоз ишчиларига, пахта майдонида жавлон ураётган олий ўқув юртларининг студентлари, техникум ва ҳунар билим юртларининг ўқувчиларига юксак даражадаги медицина ёрдамини кўрсатмоқдалар, — дейди Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Қ. С. Тўлаганов.

Турли хил мутахассисликдаги тажрибали врачлар фақат шаҳарликларнинг саломатлиги тўғрисида қайғуриб қолишмай, балки маҳаллий соғлиқни сақлаш ташкилотларига аҳоли ва қишлоқ ўқувчилари ўртасида даволаш-профилактик, санитария-эпидемияга қарши тадбирларни ўтказишда яқиндан оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар.

Районлардаги марказий шифохоналар қошида жойлашган ихтисослаштирилган ва консультация бригадаларидан пахтакорлар ҳамма вақт юксак даражадаги медицина ёрдамини олишлари мумкин. Бу ердаги ўз касбининг усталари — тажрибали терапевт, хирург, акушер-гинеколог, инфекционист, стоматолог, окулист, кўз, қулоқ, бурун врачи, дермато-венерологлар пахтакорларнинг саломатлиги тўғрисида қайғурадилар. Масалан, Жиззах областининг Дўстлик районидаги пахтакорларга 1-шаҳар клиник шифохонасининг медицина ходимлари бригадаси хизмат кўрсатяпти. Мирзачўл районидаги пахтакорларга тўқимачилик комбинатининг медицина-санитария қисми, Сирдарё областининг Ильич райони пахтакорларига Ўрта Осиё педатрия институти, Меҳнатобод районидаги ҳашарчиларга Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг медицина-санитария қисми, Боёвут районидагиларга эса тез медицина ёрдами клиник шифохонаси врачлари ёрдам кўрсатяптилар...

Жиззах ва Сирдарё областлари районларида ташкил этилган дала штабларига раҳбарлик қилаётган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Л. Г. Рейм, трактор заводи медицина-санитария қисми бош врачи Е. С. Ставинский медицина бригадалари ва группалари ишини муваффақиятли мувофиқлаштиряптилар ва дала шийпонларининг санитария-эпидемиолог и я ҳолатини яхшилашга, пахтакорлар яшаётган жойларни дезинфекциялашга, дезинфекцион ва дератизацион тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

«Тозалик — соғлиқ гарови» эканлигини ҳисобга олиб, районларда дезокамерали 12 та стационар ҳаммом ишлаб турибди. Бундан ташқари пахтакорларга 2 та дезинфекцион душ ўрнатилган машина хизмат кўрсатмоқда.

Санитария-маориф и ф ишларини ўтказиш мақсадида шаҳар санитария-маориф уйидан ўз ихтиёрида касаллик профилактикаси тўғрисида кинофильмлари, санитария бюллетенлари ва плакатлари бўлган агитмашина жўнатилган.

Шаҳар дорихоналар Бош бошқармаси зарур бўлган малҳамлар наборлари ва жароҳатларни боғлаш материаллари бўлган иккита кўчма автомобиль «дорихона»ларини юборди.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси медицина ходимлари қишлоқларда юксак медицина ёрдамини таъминлаш, аҳоли ўртасида даволаш-профилактик ишларини олиб бориш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Улар фақат даволаб қолмасдан, балки бу қизғин пахта йиғим-терими даврида профилактик ишларни амалга оширяптилар. Медицина ходимларимизнинг кўпчилиги эса Тошкент область пахтакорларига ҳам пахтани йиғиб-териб олишда кўмаклашяптилар.



* * *

СУРАТЛАРДА: Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти коллективи Сирдарё области пахтакорларига ёрдам бераётган тошкентлик студентлар ўртасида пешқадамлар сафида боряпти. Уларнинг ғайрат-шижоатидан Ильич районидаги Титов номли совхоз заршунослари мамнундирлар.

1. Институтнинг педиатрия факультети III курс студенти Дилором Муҳаммадқулова ҳар куни 100 килограммдан ошириб дур термоқда.

2. Совхозда машина терими ҳам қизғин боряпти.

Т. Каримов фотолари.

«Тошкент оқшоми»га хатлар

Йўқолган киоскалар

Бешқайрағоч массивидаги Журжоний, Акмал Икромов номли ва Бешқайрағоч маҳаллаларида «Союзпечать» киоскалари аҳолига туппа-тузук хизмат кўрсатиб турарди. Бирдан уччала киоска ёпилиб қолди. Бешқайрағочдаги киоска бир кечада ғойиб бўлди. Киоскани қаерга олиб кетишгани ҳеч ким билмайди. Журжоний ва Акмал Икромов номли маҳаллалардаги киоскаларга катта қулиб «Киоска ишламайди» деб ёзиб қўйилибди. Нимагалигини ҳеч ким билмайди. Мана бир неча кундирки массив аҳолиси газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишишдан маҳрумдирлар. Мактаб ўқувчилари эса арзимаган ручка учун район марказига бориб келишга мажбур бўлишмоқда. Балки ёпиқ киоскани очишга ва йўқолган киоска ёпишга шаҳар «Союзпечать» агентлиги бошлиғи Т. Улканбоев ёрдам берар?

Л. ҲАМИДОВ,
Акмал Икромов номли маҳалла комитети раиси.

Чиқинди кўргазмаси

Мабодо шаҳримизда чиқиндилар кўргазмаси ўтказиладиган бўлса, Ҳамза райони Янгиобод маҳалласидаги Мураббий кўчасининг 1 ва 2-проездларидаги чиқинди уюмлари биринчи ўринга сазовор этилса ажаб эмас. Чунки унинг «экспонатлари» шу қадар турли-туманки, санаб саногига етмайсиз. Писта пўчоғидан тортиб, бўрикалла қовунининг уруғигача, ҳисори қўйнинг туёғидан тортиб, тилла балиқнинг тангасигача тоқасиз.

Чиқинди кўргазмасининг ҳидини айтмайсизми? Ёнидан ўтган одамни беҳуш қилишга қодир.

Яқинда билсак, чиқиндилар кўргазмаси ўтказиш расм бўлмаган экан. Шундай экан, Ҳамза райони «Автодормехбаза»си ходимларидан чиқинди уюмларини ташиб кетишларини сўраймиз.

У. ЗОКИРЖОНОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

• ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ТЕГИШЛИ ИШЛОВ БЕРИЛДИ

Газетхон Т. Тожихонов Юнусобод массивининг «А-4» кварталидаги чиқиндиларни кўпайиб кетганлигидан шикоят қилган эди. Ушбу шикоят шаҳар санитария ва эпидемиология станциясига юборилган эди. Қуйидаги жавоб олинди.

«Газетхон Т. Тожихоновнинг шикояти «А-4» кварталидаги 6-уйга бориб текширилди. Шу уй ёнидаги 2, 8-уйларнинг ертўлалари чиқиндиларнинг кўпайиши ва тарқалиши учун манбага айланганлиги аниқланди. Ертўлаларни сув босишининг сабаби «Қорақамиш» шаҳар коллекторининг сурункали бузилиб туришидадир.

Санитария-эпидемиология станцияси Киров район партия комитетига мактуб йўллаб, маҳаллий насос станциясини қурилишини тезлаштириш тадбирларини кўришни сўради.

Киров райони санитария-эпидемиология станцияси 2, 6, 8-уйларнинг подъездлари ва ертўлаларида икки марта чиқиндиларга қарши ишлов ўтказди».

Я. ПУЛАТОВ,
Тошкент шаҳар Давлат Бош санитария врачи.

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

«Марказ—5» кварталидаги 67-уйнинг аҳолиси номидан редакцияга мактуб йўллаган С. Султонов 60, 65, 66, 67, 59-уйлар атрофига тўкилган чиқиндиларни олиб кетадиган машинанинг ўз вақтида келмаганлиги оқибатида ахлатлар уюми тобора кўпайиб бораётганлиги ва 67-уйнинг ертўласини сув босиб ётганлиги ҳақида ёзган эди. Хат Киров район ўй-жой ишлаб чиқариш эксплуатация трестига юборилган эди. У ердан жавоб олинди:

Район ўй-жой ишлаб чиқариш трести бошлиғи С. Засеевдан олинган жавобда айтилишича ҳақиқатан ҳам 65, 66, 67, 60, 59-уйлар атрофида чиқиндилар кўпайиб кетган. 67-уйнинг ертўласини сув босган. Бугунги кунда ана шу йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб, юқорида қайд этилган уйларнинг атрофидаги чиқиндилар олиб кетилди ва уйнинг ертўласига ирригация шахобчасидан оқиб тушган сув чиқариб ташланди

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ КИТОБЛАРИ ВИСТАВКАСИ

ПРАГА. Тошкентдаги «Ёш гвардия» болалар ва ўсмирлар адабиёти нашриёти босмадан чиқарган ҳамда кичкинтойлар ва мактаб ўқувчилари учун аталган китоблар виставкаси ёш прагаликларнинг совет болалар адабиёти билан яқиндан танишишлари имконини беради. Виставка Чехословакия пойтахтида очилди. Ранг-баранг расмлар билан безатилган эртаклар китоблари, шеърлар ва қўшиқлар тўпламлари таниқли болалар адибларининг асарлари қўйилган экспозиция Прагадаги «Альбатрос» нашриёти, болалар китоблари уйи залларидан жой олган.

Ўзбекистон нашриёти китоблари виставкаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бўлажак 66 йиллигига бағишланган. Виставка Чехословакия — Совет дўстлиги ойлигига тайёргарлик программасига мувофиқ ўтказилган дастлабки тадбирлардан бири бўлди.

Туристлар кўпаймоқда

УЛАН-БАТОР. Республикада тугаган навбатдаги туристик мавсум чет эллик минглаб меҳмонлар учун Монголия тўғрисидаги чинакам «кашфиёт» бўлди. Улар мамлакатнинг шаҳарларида, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида, янги қурилишларида бўлиб, Монголия меҳнаткашлари халқ ҳокимияти йилларида жуда катта муваффақиятларни қўлга киритганликларини ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилдилар.

МХРда халқаро туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Халқаро туризм ҳақли равишда халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришнинг самарали воситаси деб ҳисобланмоқда, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда «Жулчин» чет эл туризми бошқармасининг бошлиғи Б. Дэлгэрсурэн.

Чет элликларнинг Монголияга қизиқиши тинмай ўсмоқда, туристлари мамлакатга келаётган давлатларнинг сони ҳам кўпаймоқда. Совет Иттифоқи, ГДР, Польша, бошқа қардош мамлакатларнинг туристлари билан бир қаторда МХРга Англия, ГФР, Франция, Австралиядан ҳам туристик группалар келди.

Бундан қарийб 30 йил муқаддам ташкил этилган Монголия туристик ташкилоти ҳозирги вақтда қулай ва шинам меҳмонхоналар ва дам олиш базалари, замонавий транспорт воситалари ҳамда малакали таржимон гидларга эгадир. «Жулчин» чет эл туризми бошқармаси чет эллардаги юздан ортиқ фирма билан мустаҳкам амалий алоқалар боғлаб турибди. Социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик айниқса жадал ривожланмоқда.



Демократик Яманнинг қадимий шаҳарларидан бири Сейун манзараси.

А. Семехин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

● София аҳолисининг севимли дам олиш жойи—Витоша тоғидаги халқ паркини қайта қуриш янги бош планининг лойиҳасини ишлаб чиқиш тугалланди. Ҳаво ҳавзасининг муасаффолигини сақлаш учун дам олиш зоналарида автомобиль транспортининг ҳаракати тақиқланади.

26 гектардан кўпроқ майдонни эгаллаб турган парк территориясида ҳозирги вақтда бешта меҳмонхона, кўплаб туристик база ва дам олиш уйлари бор. Янги бош план лойиҳасига мувофиқ уларнинг сони анча кўпайтирилади. Ҳозирги вақтда мавжуд иккита фуникулернинг пассажир ташиш қобилияти ортади. Улар дам олувчиларни 30 минут ичида денгиз сатҳидан 1.860 метр баландликда жойлашган «Счастливица» ва «Алеко» меҳмонхоналарига етказади. Қайта қуриш даврида табиатнинг ана шу ажойиб бурчаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

● «Диққат, сиз ядросиз зона — Левереттга кириб бораяпсиз». Массачусетс штатида жойлашган ана шу кичик шаҳаргача кираверишда қизил, қора ва оқ рангдаги ана шундай плакатлар пайдо бўлди. Шаҳар аҳолисининг бундан бир неча ой муқаддам бўлиб ўтган умумий йиғилишида Левереттни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул этилган эди.

Ҳозиргача Америкининг 25 та шаҳрида шундай қарорлар қабул қилинди.

● Япония давлат хизматчилари икки соатлик умуммиллий забастовка ўтказдилар. Улар либерал-демократик партия ҳукуматидан меҳнат шароитларининг яхшиланишини, шунингдек пулнинг қадрсизланиши ва нарх-навонинг ўсиши давом этаётган бир шароитда иш ҳақининг оширилишини талаб қилдилар.

Давлат транспорти ходимларининг забастовкаси натижасида Токио, Осакадаги ва бошқа катта шаҳарлардаги 400 дан кўпроқ метро поезди, 36 шаҳардаги 7.000 автобус тўхтаб қолди.

Токио муниципалитетининг хизматчилари ва ўқитувчилар ҳам забастовкага қўшилдилар.

● Бу ерда 1,2 миллиондан кўпроқ киши хароб кулбаларда яшашга мажбур бўлмоқда, деб хабар қилади «Нейшн ревью» газетаси. Аҳолисининг сони 5,5 миллион кишига бориб қолган Таиланд пойтахтида уй-жой танглиги ҳозир ҳам энг ўткир проблемалардан бири бўлиб қолмоқда.

ТЕЛЕВИЗИОН МИНОРА

Витоша тоғида қурилаётган телевизион минора Болгария пойтахтида энг баланд иншоот бўлади. Монтажчилар телеминоранинг сўнгги конструкциясини ўрнатиб бўлдилар, бу минора «151 метр» белгисига етди.

Ҳозир бу ерда кўп каналли нур антенналарини монтаж қилиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Бу антеннаслар телевизион ва радио программаларини Софиядан олиб эшиттиришни кенгайтириш учун фойдаланилади. Бу эса шаҳарнинг ўзида ҳам, шунингдек республиканинг кўпгина районларида ҳам телевизион кўрсатувларни қабул қилиш сифатини анча яхшилаш имконини беради.

ДИПЛОМЛИ «МУТАХАССИСЛАР»

Америка Қўшма Штатларида бу савол ҳеч кимни ажаблантирмайди, ҳам. Чунки олий маълумот ҳақидаги ясама ҳужжатлар бу ерда жуда кенг тус олган. Мамлакатда турли касбни «эгаллаганлик» тўғрисида ҳатто ҳудди ҳақиқий ҳужжатлардан қолишмайдиган ҳужжатларни ишлаб чиқарувчи яширин фабрикалар мавжуд. Бундай дипломларни истовчилар «сиртқи колледж» телефон номерини териб, ўзи олган «касбини» айтса ва айтилган миқдорда сумма чекини юборса кифоя. АҚШ текширув органлари маълумотига қараганда турли федерал ва маҳаллий муассасаларда ясама ҳужжат билан кўплаб хизматчилар ишлаб келишмоқда.

Ёзишнинг аранг уддасидан чиқадиган ҳукумат амалдорлари ҳеч гап эмас, — деб ёзади АП агентлиги. — Медицинага ҳеч бир алоқаси йўқ дипломли врач «мутахассислардан» айниқса хавфсираш керак. Чунки бундай „мунофиқларга ўз соғлигини ишониб топширган беморларнинг аҳволи вой бўлиши ўз-ўзидан кўриниб турибди.

«УЙ ГАЗИ» ЁРДАМИДА

Американинг «Форд» компанияси конструкторлари газ автомобилининг тажриба-намуна моделини яратдилар. Эндиликда автомобилларни заправка қилиш учун махсус станциялар талаб этилмайди. Унинг баллонини ошхона плитасида ишлатиладиган оддий газ билан тўлдириш мумкин. Махсус компрессорлар ёрдамида газ баллонга тўлдирилади.

ПРОКАТГА БЕРИЛМОҚДА

СОФИЯ. Болгариянинг Сливен округи қишлоқларида маиший хизмат ҳажми бир йилда икки ярим баравар ўсди. Ҳозир бу ерда 80 хил турдаги хизмат кўрсатилмоқда, аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги формалари таркиб топмоқда. Масалан, прокат ателъесида қишлоқ меҳнаткашлари ўзларининг шахсий хўжаликларида ишлатиш учун кичик трактор ёки автотранспорт, уй-жойлар қуриш ёки ремонт қилиш учун асбоб-ускуна ва инструментлар ва одатда кам фойдаланиладиган, айни вақтда зарур бўлган яна 300 хил бошқа буюмларни олишлари мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасига алоқадор бўлган барча корхона ва ташкилотлар кучғайратларининг бирлаштирилиши қишлоқда маиший хизмат системасини ривожлантиришга ёрдам берди. Катта-катта қишлоқларда маиший хизмат комплекслари, кичик қишлоқларда эса комплекс қабул пунктлари очилди.

ФОТОКАЛЕЙДОСКОП

ВХР. Яқинда Шандор Смараглан ўзининг 100 йиллигини нишонлади. У бир умр дарё кемаларида ишлаган. Узининг 100 йиллигини Тисса баржасида ўтказаётганидан мамнун.

* * *

БЕРЛИН. ГДР пойтахти осмонида бирин-кетин чақмоқ чақди. Унинг узоққа чўзилиши бу ажойиб табиат манзарасини суратга олиш имконини берди.

МТИ-АП-ТАСС телефотоси.

Фойдали дарахт

Ганада ва Ғарбий Африканинг бошқа мамлакатларида ўсадиган ёғли дарахтни ҳақиқий озиқ-овқат сандиғи, химия саноати учун хом ашё деб бежиз айтишмайди. Унинг мевалари хом ҳолида овқатга ишлатилади, уруғидан қимматбаҳо ўсимлик мойи олинади.

Ёғли дарахтнинг саноатда қўлланиши учун беқиёс имкониятлар мавжуд. Уруғни қоплаб турувчи юпқа парда ёғдан дорилар, махсус нав пластмасса тайёрлаш учун мой олинади. Барглардан эса сифатли қора бўёқ тайёрланади.

Гана ҳукумати қишлоқ меҳнаткашларини ёғли дарахт майдонларини кенгайтиришга даъват этмоқда. Бунинг учун Ганада барча шароитлар бор. Бу ерда Африкада ёввойи ҳолда ўсувчи ёғли дарахтлар жуда зич жойлашган. Бу дарахтнинг жони қаттиқ бўлади, ёнғинлардан сўнг ҳам тезда гуркираб ўсаверади.

Адабиёт ва Санъат

А. П. БОРОДИН НОМИДАГИ КОНКУРСДА

Узбекистондан икки ижодий коллектив — Узбекистон Давлат филармонияси ва Тошкент Давлат консерваториясининг квартетлари А. П. Бородин туғилган кунининг 150 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган чолғу асбоблари квартетларининг Бутуниттифоқ конкурсида қатнашишга таклиф этилди.

Филармониянинг квартети ташкил этилганига уч йил тўлди. Квартет созандалари, Тошкент консерваториясининг талабалари М. Турдиев, А. Азизов, В. Холиқулов, А. Аҳмадиева давлат коллекциясидаги музика асбобларини чалиш фахрий ҳуқуқига эга бўлдилар.

Консерватория квартетига эса конкурсга жўнаб кетиш олдидан олий ўқув юртининг ўзида ўтказилган конкурсда қатнашишга тўғри келди. Квартет составида аспирант З. Мансурова, студентлардан А. Каримов, У. Рихсиев А. Сапаев бор. Ана шу олий ўқув юрти студентлари бир неча чолғу асбоблари квартетларининг мусобақасида қатнашиш ҳуқуқи учун мусобақалашдилар. Конкурс бугун Таллинда очилади. Шу куни тошкентлик дирижёр, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғани Тўлаганов ҳам жюриядан жой олади.

(УзТАГ).

Халқ бахти қўйчиси

ЭРТАГА МОСКВАДАГИ СОЮЗЛАР УЙИНИНГ КОЛОННА ЗАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ШОИРИ, ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ ҒАФУР ҒУЛОМ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Шоирнинг оташин сўзи

Ўктам УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари.

Қадрдон устозимиз, ажойиб шоир ва серфазилат инсон Ғафур Ғулом 17 йилдан буён биз билан бирга бўлмаса ҳам, унинг шеърлари ҳамон бизга ҳамкор, ҳамнафас.

Ғафур Ғуломнинг китоблари ҳозир ҳам ҳақиқат ва гўзалликка хизмат қилмоқда. Китобхонларнинг янги авлодларини коммунизмнинг буюк ишига, социалистик Ватанимизга садоқат руҳида тарбияламоқда, бундан кейин ҳам тарбиялайверади.

Ғафур Ғулом Ўзбекистонда биринчилар қаторида республика халқ шоири фахрий унвонига сазовор бўлган эди. У ўз унвони туфайлигина эмас, ана шу сўзнинг туб моҳияти билан ҳам чинакам халқ шоири эди. Халқ орасидан чиққан. ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотиган шоир ўз ватандошлари — ишчилар, деҳқонлар, пахтакорлар ҳаётини яқиндан билар эди. Чунки ўзи ҳам оғир меҳнат йўлини босиб ўтган, ёшлик йилларида кўплаб касбларда ишлаб кўрган, жонажон ўлкани революцион қайта қуришда бевосита иштирок этган эди.

«Ғафур Ғулом, — деганди К. Симонов, — тўла маънода инқилоб фарзанди эди. Шеърларидан, турмушда ўзини тутишидан яққол сезилиб турган чуқур интернационализм руҳи унинг учун шунчалар табиий эдики, бу ҳақда ўйлаб ўтириш ҳам ортиқчадек туюларди. У бошқалар билан суҳбатда интернационализм ҳақида баландпарвоз сўзлар айтишни ёқтирмасди. Бошқа миллатлар вакилларини, уларнинг қизиқишларини, урф-одатлари, тилини севиш ва ҳурмат қилиш табиий фазилатлар сифатида бутун вужудига йўғрилган эди».

Ғафур Ғулом ижодкор сифатида замонни жуда чуқур ҳис этарди. Даврнинг моҳиятини белгиловчи энг муҳим ҳаёт ҳодисалари эътиборини жалб этарди.

Мамлакатни индустрлаштириш йилларида ёзилган «Турксиб йўлларида» асарини эсга олайлик. Бу шеър ёш шоирга Иттифоқ миқёсида шуҳрат келтирганлиги бежиз эмас. Конкрет факт — Турксиб қурилиши шоир қалами остида умумлаштирувчи, типик белгилар касб этди. Унинг яна бир машҳур поэмаси — «Кўкан»ни олиб кўрайлик. Бу ўзбек поэзиясида деҳқонларнинг янги ҳаётга, коллективлаштириш даврига бағишланган биринчи йириқ эпик асар эди. Асар воқеалар қизғин давом этаётган даврда туғилди. Поэманинг боблари матбуотда эндигина бўлиб ўтган воқеалар изидан эълон қилиб борилди.

Биз бугун Ғафур Ғуломнинг Улуғ Ватан уруши йилларида яратилган ўткир лирикасини ҳам эсламасдан ўтолмаймиз. Унинг ўша пайтда ёзган кўпгина шеърлари «Правда» газетасида босилган эди. «Сен етим эмассан» шеъри шулар жумласидандир. Ўзининг таъсирчанлиги, жўшқин руҳи билан у шеърхонлар қалбини забт этган эди.

Бундан кўп йиллар муқаддам, Улуғ Ватан уруши йилларида Ғафур Ғулом шундай деб ёзган эди: «Мен халқ учун нима қилдим? Халққа фойда келтирямпанми? Бугун унинг шуҳрати, маданияти, обрў-эътиборини юксалтирадиган нима иш қиляпман? Ахир мени вояга етказган халқ ҳар лаҳза бу-ларнинг барчаси ҳақида ҳаққоний ҳисоб сўраши мумкин. Балки бугун бўлмас, лекин эртага, 1975 ёки 2000 йилда, барибир албатта ҳисоб беришга мажбур этади».

Ғафур Ғулом ўзининг авлодларга мерос қолдирган ўлмас асарлари билан ана шу саволларга жавоб бермоқда. Халқ ҳам содиқ фарзандини шу сабабли эзгулик келади, унинг номини меҳр ва муҳаббат билан ёд этади.

Ўз халқи олдида чуқур масъулият, бурч ҳисси Ғафур Ғуломнинг гражданлик ва поэтик позициясини белгиловчи бош хусусиятдир. Бу чинакам коммунист санъаткорнинг позициясидир.

БИЗНИНГ ФОТОАРХИВИМИЗДАН

СУРАТЛАРДА: Ғафур Ғулом Зулфия ва Николай Тихоновлар даврасида; Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйида ўтказилган қардош халқлар шеърияти оқшомида; Ғафур Ғулом Константин Симонов, Берди Кербобоев, Павел Антокольский ва бир гуруҳ ўзбек адиблари билан.

Ғафур ҒУЛОМ,
Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ленин мукофоти лауреати.

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН

Ташаккур айтаман азиз умрнинг
Улуғ ва муқаддас чароғбонига.
Шунчалик юксакдир қиймати нурнинг
Мунис, меҳрибондир одам жонига.
Ёруғлик жаҳоннинг бошлангичидир.
Жонини бағишлар нурга парвона,
Сен ёққан чироғнинг машъаласида
Порлади асрлар, замин, замона.
Ўзбек хонасини ёритмоқ учун
Қуввати етмади шамси самонинг.
Ильич шуъласидан баҳраманд бўлдик
Узинг тузиб берган ГОЭЛРОнинг.
Ленин партиясининг пешволигидир
Бахтимнинг камоли, ҳаётим сири.
Чунончи, шу онда бахтиёр эмас
Жаҳонда менчалик бағдодий, мисрий.
Ўғлим Абдуқодир икки ҳарфни
Бир-бирига қўшиб айтолмаса ҳам,
Улуғ бобомизнинг азиз номини
Ҳижосиз айтади, мукаммал, кўркам.
Эртаги минг йилнинг одамлари ҳам
Табаррук умримни қилурлар ҳавас.
Чунки Владимир Ильич Ленин билан
Замондош бўламан, жондош, ҳамнафас.
Ўзбекнинг уйида донмо шодлик:
— Алло, Москва сўзлар! — демак она шаҳр.
Қайси бир бечора инсон бор экан
Ленин нафасидан ола олмаган баҳр.
Ташаккур айтаман азиз умрнинг
Улуғ ва муқаддас чароғбонига,
Шунчалар юксакдир қиймати нурнинг
Мунис, меҳрибондир одам жонига.

1947 йил.

УЛУҒ ЛЕНИН НОМИ БИЛАН

Жаҳонинг катталиги аниқ ўлчангунча йўқ,
Ҳар ҳолда бир солдатнинг қалбидан кичик бўлур.
Инсонни яратади зулмларга қарши ўқ,
Куну эрта-кун эрта ғоятда сучуқ бўлур.
Каттакон рус халқининг этагидан тутмасанг,
Қачон озод бўласан, эй бечора Осиё!
Наҳотки шарқ толеи инглиз туманидан
Ҳиндунинг манглайидай бўлиб қолур зим-зиё.
Қачонгача бир мисра шеърни ёзмоқ учун
Қалбимни эритаман, қон қилди бу капитал.
Ахир сиз солдатимиз — солдатимиз сиз ахир,
Жаҳоний муаммолар қўлингизда бўлур ҳал.
Сизни қачонки кўрсам тинчман, ободман, озод,
Сизнинг номингиз билан барбодлар бўлур обод.
Жаҳонга ларза солур муқаддас бир шарпангиз,
Ҳар солдатнинг жонида ўзингиз борсиз ахир.
Ҳар битта солдатимиз сизга қўшила туриб,
Ўз жаҳон умри билан жаҳонга қўюр фахр.
Бутун китобларимни варағ-варағ ахтаринг,
Ҳамиша улуғ инсон Ғафурнинг темасида.
Инсоннинг қатра қони менга оламча мазмун,
Фақат ўзинг буюксан қуёш системасида.

1949 йил, январь.

БУЮК ОЛАМГА САЛОМ

Сурайё юлдузидек ялт этган тезлик билан
ТУлар учиб келади қадимий Шош шаҳрига.
Искандар ололмаган ва Фирдавсий мақтаган,
Низомий келмак бўлган ўзбекнинг бош шаҳрига.
ТУлар учиб келади Ява, Мадагаскардан,
Йўлларига поёндоз ўзбекнинг азиз жони,
Кўзимиз йўлингизга мунтазир илк саҳардан,
Эй ҳаёт карвонининг нурлар минган меҳмони.
Бу қизнинг оти Тошхон, менинг қизим бўлади,
Қабоғида субҳидам алвонларнинг акси бор.
Қўлидаги гулни тўкса жаҳон тўлади,
Узи жуда покиза, гулларидек беғубор.
Тошхондаги гул билан, оддий ўзбек тил билан
Меҳмонларни кутади мўйсафид Ғафур Ғулом.
Покиза виждон билан, кафтидаги дил билан
Азиз ўзбек халқимдан буюк оламга салом!

1958 йил, октябрь.

Радий ФИШ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

(ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК РОМАНДАН ПАРЧА)

Таниқли совет олими ва ёзувчиси Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» тарихий-биографик романи шоир ва мутафаккир, Шарқнинг ажойиб сўз усталаридан бири Жалолиддин Румий ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида ҳикоя қилади. Ана шу асар яқинда ўзбек тилига таржима қилинди. Қуйида шу асардан бир парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Томдаги бола

Қишнинг қирмиз қуёши ботиб борар, унга қарама-қарши ёқдан — Балх шаҳрининг атрофтеваракларига таралиб, шафаққа чулғанган дашту саҳроларни тўлдириб шамол эсарди.

Товонига қадар узун тўн кийиб, кенг енгларига қўлларини суқиб, тирсакларини тутамлаб олган Жалолиддин шу пайт лой-шувоқ уйнинг ясси томида турар, кўз узмай пастга, чумоли уясидек ғужғон ўйнаётган одамлар оқимига боқарди. Донишмандларга бовар этиладиган бўлса улар икки минг йилдирки шу ерда уймалашиб ётишибди. Босқинчилар неча бор бу жойни ер билан теп-текис қилиб ташлашди, лекин ҳамон ўша-ўша, турфа, ола-қуроқ тилли, шовқин-суронли, тақводор уя ҳамон ғивирлагани-ғивирлаган.

Амир қўрғони Ҳиндувон бир-бирига айқашиб, Чорсу билан кесишган қумсувоқ томлар, ҳаммомлар, мадрасаю хонақоларнинг қаторлашган гумбазлари оша юксалиб турар, аммо масжидижомининг миноралари ундан ҳам узониб, нақ суйи ҳавога бўй чўзган эди.

Балхобнинг лойқа сувига тўлган каналлар қуюқ ялроқли, туташ боғлар оралаб жимилдаб оқар, ер ости қувурларига кириб, кўздан ғойиб бўлар, яна қалъа деворидан нарида пайдо бўлиб, ариқларда шилдирар, теварак-атрофдаги қишлоқларнинг қизғиш тупроқли далаларига оби ҳаёт эларди.

Қуш бозор — гузар узониб, то қалъа деворига туташ ергачага, кафтдек кўриниб турибди. Дўконлар бекила бошлаган. Муҳтасиб шотирларини эргаштириб, савдо-тижоратни пайғамбар русумидек жорий этишларини кузатиб, растама-раста айланиб юрибди. Аслаҳасозлар қўрасидаги олов милтираб-милтираб сўнди, мисгарлик, заргарлик, бешиксозлик, аравасозлик расталаридаги қулоқларни батанг қилувчи тараққо-туруқлар тинди, пичоқ чархловчи дастгоҳининг илондек вишиллаган овози ўчди. Олис, бўм-бўш кўча бўйлаб бир гуруҳ турк сарбозлари от ўйнатиб боришарди, улар шаҳарнинг етти дарвозасида қоровуллик навбатини бошқаларга топширишган эди.

Томдаги бола жунжикиб, шамолга орқа ўгирди. Шаҳарнинг кулранг хом ғиштдан қурилган шарқий Навбаҳор дарвозаси гумбазлари ботаётган қуёш яллуғида, нақ ёнаётгандек, ловуллаб кўринарди: бугун отаси масжидн жомеда башорат қилиб айтган даҳшатли зарбага биринчи бўлиб ана шу дарвоза дучор бўлади. Бутун кейинги ҳафта ичи, то ота кўрғони пулланиб ойисининг маҳрига тушган боғлар, узумзорлар сотилар экан, уйларидан одам аримади. Ичкари ҳовлида отасининг кекса энагаси Насиба —хотун ун чиқазмай, кўз ёшларини юта-юта — отаси кўз ёши тўкишни ман этган — иш юритар, гиламлару бўйралар, кўрпа-ёстиқлару жойнамозлар йиғиштирилиб, бирин-кетин тугун қилинар, мис баркашлар, жомлар, кўзалар, лаган ва манқаллар саранжом-саришта этилардн. Отасининг шогирд ва муридлари эса савдогарлар билан савдолашиб, карвонбошилар билан битишишга интилишарди. Ана шу ташвиш, югур-югур ичида пайғамбар авлоди саидлар ўрайдиган кўк салланинг печи денгиз ортидан келган ғаройиб қушнинг қанотидек тинимсиз ҳилпираб турарди. Отасининг халфаси — Саид Бурҳониддин чўзинчоқ юзи, узун, қотма гавдаси билан чиндан ҳам йиртқич бир қушни эслатар, у қай бир ишга уннамасин, муқаддас китобларни қироат қилишми, тиловат этишми, устознинг панд-насиҳатларини тинглашми ёки унинг болаларига сабоқ беришми, хуллас, ҳаммасини чин жазму жазава билан адо этарди.

Китобларни отасининг ўзи саралаяпти: жилд-жилд ҳадислар — пайғамбарнинг ҳаёти ва панду ҳикматлари ҳақида ривоятлар, ҳуқуқи илсом — шариат билимдонларнинг ишлари, Мутанабий, Саноий, Аттор каби — шоирларнинг девонлари, Ғаззолий, Ал-Хоразмий каби алломаларнинг шикаста хат ила битилган асарлари. Булар — Хуросоннинг марказий шаҳри Балхдо, Хиротда, Хоразму Самарқандда, Нишопуру Табризда, Дамашқда, Нажафу Басрада, хуллас, маърифатли ислом оламининг барча гўшаларида хаттотлар томонидан кўчирилган китоблар. Чарм ёки ёғоч, сахтиён ёки заррин муқоваларга жо этилган, Балх воиздари ва уламоларининг неча-неча насли томонидан йиғилган, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган мусаннафот унинг қорача, кенг кафтлари орасидан мунтазам оқарди.

Саид Бурҳониддин танланган китобларни икки қўллаб, таъзим-тавозе ила олар, кейин ҳовузли ҳовлига ташиб, эҳтиёт билан намат устига тизарди. Саккиз қиррали ҳовуз бўйидаги мажнунтол тагида китоблар аввал намат, кейин хомчарм билан ўралар, энди уларга на кечиб ўтилажак тоғ дарёлари тўлқинию, на босиб ўтилажак жазирама саҳролар ёлқини асар эта оларди. Ҳар бири нақ пахта тойидек келадиган, аммо ундан уч карра оғирроқ китоб бойламлари ўн туяга етиб ортарди, лекин ота ҳамон китоб саралагани-саралаган...

Жалолиддин акаси билан Саидга эргашиб, кутубхона эшигига келиб кўрдики, отаси лавҳга қўйилган бир китоб олдида тиз чўкиб ўлтирибти. Уни Қуръоннинг қутлуғ саҳифаларини варақлагандек, оҳиста варақлайди, бармоқлари билан силаб-сийпайди, вужуди енгил чайқалиб, лаблари унсиз шивирлайди, нигоҳи деворга қадалган.

Саид Бурҳониддин устозини сўзсиз англар эди. Зеро, айтилажак сўзлар аллақачон айтиб бўлинган, кейин ижоза, яъни «шогирд устозига аён бўлган ҳамма нарсани идроқ айлади, энди ҳақ сўзини мустақил талқин этишга ҳақлидир», деган муҳрли шаҳодатнома неча йилдирким, унинг хужрасида ётибди. У узоқдан туриб, тим қора сиёҳ билан битилган хатти настаълиқнинг живир-живир маржонию айрим бир сўзларнинг олий маъносига ҳурмат ишора этувчи қирмиз нуқталарга қараб, китобни таниди. Бу «Шайхи Валитарош» деб ном қозонган, Аҳмад Ибн Умар Абул Жониб Нажмиддин Курбо қаламига мансуб тафсири Қуръон эди.

Бир замонлар ҳозир лавҳ олдида тиз чўкиб ўтирган бу дов қомат, улуғвор қария Хоразмга бориб, Шайх Нажмиддин Кубро остонасига бош урган, унга мурид тушиб, ўзи кейин Саидга берган шоҳодатномадек муҳрли ижоза олишга мушарраф бўлган эди. Ҳозир у пири мурШидидан юзларча фарсаҳ берида, унинг сўзи олдида тиз чўкиб турарканд, шайхга ғойибона видо айтар, гўё ундан узри-маъзур сўрар эди: зеро, у она шаҳрини тарк этишга шайланар, Шайх Нажмиддин Кубро эса ҳеч қачон бундоқ қилмаган бўлурди.

Устози, кекса Баҳоваддиқ Валадга қараб, Саиднинг юраги ачишиб кетди.

Лекин оллоҳдан бўлак ҳеч кимсанинг олдида тиз чўкмайдиган отасининг тиз чўкиб туриши Жалолиддинга таъсир этмади. Шу кунларда у олис сафар гаштини сурар, ўзи ҳали кўрмаган ўлкаю мамлакатлар, шаҳру салтанатлар томошаси завқини тотиб, шодиёна бир ҳаяжон қўйнида яшарди.

Ўн икки яшар бола ҳали ҳижрон нималигини билмасди.

Фақат ҳозир, қадрдон уйи томида сўнгги бор туриб, шафақ алангасига чулғанган шаҳарга боқаркан, томоғига бир нима келиб тиқилгандек бўлди. Яна қулоқлари остида отасининг масжиди жоме гумбази остида гулдираган ғазабли овози янграб эшитилди:

— Эй, Вахш қозиси, эй, Фахриддин Розийга эргашиб, ҳақ йўлидан адашган осийлар! Эй, хоразмшоҳ Муҳаммад! Маълумингиз бўлғайким, фоний дунё жаҳолати кўзингизни кўр қилмиш! Худбинлик сизни бепарволик ва беписандлик домига солмиш! Беписандлик муқаррарким, қора кирди-корларга элтур. Мана, жаҳолат — қаёқдан, ақлларнинг сафолати — қаёқдан, пучак рўёлар, ифлос ҳою ҳаваслар, куфри — иштибоҳлар — қаёқдан. Сизга идрок бегона, инчунин, ўз салтанатида қойим худбинлик ҳавоси онқадар баланд. Аммо дейилмишким: «Худбинлик ҳукмрон салтанат — салтанати ланндир!».

Намоз жумада отаси шундоқ деб нидо солди. Халойиқ шаҳарнинг уламойи киромн сўзини қўрқув ичра, ердан бош кўтармай тинглади. Шариат исмидан сўз айтиб, шариат исмидан ҳукм юритган, шоҳ ҳурматини қозонган қозиюл куззот, ' мукаррибус султон Розийни бедиёнат дейиш! Бу ҳам етмагандай, мусулмон дунёсининг энг қудратли ҳукмдорларидан бири — хоразмшоҳни ҳам қўшиб, маломат тиғига тортиш! Йўқ, бунақаси ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермасди.

Жамол КАМОЛ таржимаси.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. БАҲРАМОВ: Бир ойлик синов муддатида ўн кун касал бўлиб қолдим. Шу касаллик билан ўтган кунлар синов муддатига қўшиладими?

Жавоб: Ишчи ва хизматчилар бир ойлик синов муддати мобайнида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолсалар ёки узрли сабабга кўра ходим ишда бўлмай қолса, унинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз даври ва бошқа даври синов муддатига қўшилмайди.

* * *

Р. ҲАКИМОВ: Мен донорман. Авваллари қон топширгандан кейин ўзим истаган вақтда икки кун дам олардим. Энди эса фақат қон топширган кунинг ўзида ва эртасига дам оласан дейишяпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Донорлар ўз саломатликларини кўрикдан ўтказаётган ва қон топширган кунларда қайси сменада ишлашларидан қатъий назар, ишдан озод қилинадилар. Уларга бу кунлар учун иш ҳақининг ўртача миқдорида маош тўланади. Ана шу дам олиш кунларини бошқа вақтга кўчириш ёки улардан отпускага қўшиб фойдаланиш тақиқланади. Бундан ташқари донорлар қон топширган кунинг эртасига саломатлигини тиклаш маъносида яна бир кун ишдан озод қилинадилар. Донорлик қилаётган ишчи ёки хизматчи ўз ҳоҳишига кўра бу кундан меҳнат отпускасига қўшиб фойдаланиши мумкин.

* * *

Ш. ПЎЛАТОВА: Яқинда паспортимни йўқотиб қўйдим. Айтингчи, янги паспорт олиш учун нима қилишим керак?

Жавоб: Аввало паспортингизни йўқотганлигингиз ҳақида ўзингиз пропискада турган район ички ишлар бўлимининг паспорт бўлинмаси ходимларига хабар беришингиз керак. Улар албатта паспортингизни топиш чораларини кўришади, шунда ҳам паспорт топилмаса, Сизга янгиси ёзиб берилади.

* * *

Д. САРИМСОҚОВА: Шаҳримизда аҳоли буюртмаси асосида мебеллар тайёрлайдиган махсус бирлашма бор экан. Шу бирлашма қаерда жойлашган?

Жавоб: Шаҳримизнинг Корасарой кўчасидаги 282-«а» уйда аҳоли буюртмаси сменада ишлашларидан қатъий назар, ишдан озод қилинадилар. Уларга бу кунлар учун иш ҳақининг ўртача миқдорида маош тўланади. Ана шу дам олиш кунларини бошқа вақтга кўчириш ёки улардан отпускага қўшиб фойдаланиш тақиқланади. Бундан ташқари донорлар қон топширган кунинг эртасига саломатлигини тиклаш маъносида яна бир кун ишдан озод қилинадилар. Донорлик қилаётган ишчи ёки хизматчи ўз ҳоҳишига кўра бу кундан меҳнат отпускасига қўшиб фойдаланиши мумкин.

* * *

Р. ОТАХОНОВ: Радио ва телевизорларни тузатадиган уста бўлиш орзусидаман. Шаҳримизда шундай касб эгаларини тайёрлайдиган билим юртлари борми?

Жавоб: «Ивановолик тўқимачилар» кўчасидаги 8-уйда жойлашган 11-техника билим юртида радио ва телевизорлар тузатадиган касб эгалари тайёрланади. Бундан ташқари шаҳар социал таъминот бошқармасига қарашли билим юртида ҳам радио ва телевизорларни тузатадиган усталар тайёрланади.

* * *

Д. КАРИМОВ: Уйимизни ремонтдан чиқармоқчи эдик. Шу хусусда қаерга мурожаат қилсак бўлади?

Жавоб: Шаҳар уй-жой бошқармасига қарашли 2-ремонт қурилиш бошқармаси шундай юмушларни бажаради. Бу бошқарма Чилонзор массивининг 4-кварталидаги 4-«а» уйда жойлашган.

• САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Янги экспонатлар

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг рус ва республика тасвирий санъати бўлими заллари яна янги экспонатлар билан бойиди.

Музей томошабинлари рус рассоми К. С. Трутовскийнинг 1869 йилда яратган «Ўқитувчи келди» асарини қизиқиш билан томоша қилишмоқда. Ўқитувчи қиз ва қишлоқ болалари ўта маҳорат билан тасвирланган.

Ўзбекистон рассомлари ижодида тасвирланган мактаб ва унинг ҳаётига бағишланган бир қатор асарлар ҳам санъат мухлисларига яхши таассуротлар бераётир.

Истеъдодли рассомлар Уста Мўмин (А. Н. Николаев)нинг «Эски мактабда», Маннон Саидовнинг «Саводсизликнинг тугатилиши», ҳайкалтарош Л. Г. Рябцевнинг ёғочда акс эттирилган «Биринчи ўқитувчи» каби асарлари санъат музейи залларини янада маздмундор қилди.

М. АҲМЕДОВ.

• Музей залларида

БУЮК ОЛИМ ИШ ҚУРОЛЛАРИ

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш музейи ташкил топганининг 10 йиллик юбилейи йилида қатор нодир экспонатлар билан бойиди. Бундан минг йиллар илгари буюк шарқ алломаси ва тиббиёт билимдони Абу Али ибн Сино жарроҳлик ишларида қўллаган илк медицина асбоблари нусхаси ана шу нодир экспонатлар қаторидан ўрин олди.

Олим ишлатган қайчи, тиғ ва металл банкачалар нусхасини таниқли уста Эзмиров тайёрлаган. Ҳозир бу экспонатлар билан Ригадаги медицина тарихи музейи ходимлари қизиқиб қолишди. Яқин кунларда улар ҳам ўз буюртмаларини олишга муваффақ бўлишади.

Музейда ҳозир тиббиёт тарихи ва гигиенага оид 300 мингдан ортиқ экспонат бор. Машҳур медиклар, тиббиёт вакиллари ҳаёти ва эланишларига тааллуқли ишқуроллари музейга келувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Йилига 60 мингдан ортиқ томошабиннинг музейга ташриф этаётгани бунинг исботидир.

СУД ЗАЛИДАН

КАТТАЛАР ҚАЁҚҚА ҚАРАШЯПТИ?

Қайсидир шоир «Бемаънилик бекорчиликдан келиб чиқади», деб айтган экан. Бунн шундай тўлдириш мумкин: айрим кимсалар тўқликка шўхлик қилиб, бемаъни ишга қўл урадилар. 1964 йилда туғилган Ю. Умаров ҳам тезда ўзига шундай қабиҳ ниятли ҳамтовоқларни топди-қўйди. 1965 йилда туғилган, тоғни урса талқон айлайдиган, бекорчиликдан бошини қайга ураринн билмай юрган А. Ким ва В. Пошвиларни бу қабиҳ ният «метинг-дек» бирлаштирди...

Тасаввур қилинг, сизнинг енгил автомашинангиз бор. Эрталаб шоша-пиша нонушта қилгач, зиналардан гараж томон «машинам жойида турганмикан» деган фикр билан югурасиз. Қарабсизки, машинангизнинг ақволига «вой»: машҳур ашулада айтганларидек, «тўрт оёғидан айрилган...»

Ўз-ўзидан тушунарли, бундай бахтсиз ҳолларда ўпкангизни қўлтиқлаб, ёрдам учун милицияга мурожаат этасиз. Жиноятчиларнинг қабиҳ қилмишлари тўғрисидаги воқеаларни эшитиб, ёқангизни ушлайсиз. Ҳа, ҳа, мана Ю. Умаровни олайлик. У ҳозирча Янги ҳаёт кўчасидаги 31-уйнинг квартираларидан бирининг «хўжайини». Ишлаб чиқаришда ҳалол меҳнат қилаётган кишиларнинг хонасига осонгина қириб олиб, у ердан умумий баҳоси 300 сўм бўлган палос билан гиламни кўтариб чиқиб кетади.

Бир ой ўтар-ўтмас, у яна бир жиноятга қўл уради. Гражданка Нуриддинованинг квартирасидан 314 сўмлик буюмларини гумдон қиладн. Сўнгра у ҳамтовоқлари А. Ким ва В. Пошвиларга дуч келади. Улар биргаликда йириқ ўғирликларга «нихтисослашишади».

Тошкент шаҳри милиция ходимлари бу жиноятчиларнинг қилмишидан хабар топади. Қўлга олинган Умаров ва Кимлар ўзларининг жиноятларини қанчалик яширмасинлар, уддасидан чиқолмайдилар. Пошвин қўлга олингач, бир қатор далил-ашёлар олдида «уч ботир» довдираб қолади...

Ҳамза район халқ суди Ю. Умаров ва А. Кимни уч ярим йилга, В. Пошвинни эса бир ярим йилга озодликдан маҳрум этиб, умумий режимдаги аҳлоқ-тузатиш меҳнат колониясига «сафарбар» этди.

Бироқ, бу воқеани эслаб, шундай ҳақлн бир савол туғилади: хўш, катталар қаёққа қарашаяпти! Ҳукм этилганларнинг ота-оналари, В. Пошвин ишлаган Тошкент тажриба-ремонт механика заводнинг меҳнатчилари нима учун ўз фарзандлари, коллектив вакилининг юриш-туриши билан қизиқмайдилар. Агар Ю. Умаров шоферлик курсида ўқнган бўлса, у ҳолда жиноят қилиш учун қандай вақт топди экан! А. Ким бўлса ҳеч қаерда ишламаган. Унинг ҳаёти на отасини, на онасини, на қўни-қўшниларини қизиқтирган...

Минг афсус, агар уларнинг тарбиялари билан ота-оналари, жамоатчилик, қариндош-уруғлари жиддийроқ шуғулланганларида эди, бу ўспирин-йигитчалар балки жиноятга қўл урмас эдиларми!! Афсуски, улар ўзларининг қабиҳ қилмишлари билан ўз умрларига завол етказдилар.

В. ПОПЛАВСКИЙ.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕГ ОҚШОМИ

17 ОКТЯБРЬ, 1983 й

18 ОКТЯБРДАН 21 ОКТЯБРГАЧА

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

электрон-мантиқий бошқарувга эга бўлган янги кассетали, стереофоник

«МАЯК-231-СТЕРЕО» МАГНИТАФОН-ПРИСТАВКАЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

«Маяк-231-стерео» (Киевдаги «Маяк» заводининг маҳсулоти) овознинг юксак сифатли ёзилишини таъминлайди.

Унинг ўзига хос хусусиятлари:

частота диапазонининг кенглиги — 40-16000 гц,
шовқиннинг паст даражаси —58 дб,
лентадаги ёзувнинг бузилиши— 3 процентдан кўп эмас,
динамик шовқинни пасайтириш системасининг мавжудлиги,
ишчи қатлами Fe, Cr, FeCr қалинлиги С-60, С-90
бўлган турли типдаги лента лаларда ишлаш имконияти.

«Маяк-231-стерео»нинг юксак параметрлари магнит ёзувларининг энг талабчан мухлисларининг ҳам эҳтиёжини қондиради.

Баҳоси — 400 сўм.

Сизни қизиқтирган маълумотларни ва техник консультацияни савдо-кўргазмасида Киевнинг «Маяк» заводи вакилларидан олиш мумкин.

Заводга доир справка:

Киевдаги «Маяк» заводи—рўзғор магнитафонларини ишлаб чиқарувчи энг кекса корхоналардан бири. Мамлакатимиздаги дастлабки «Днепр» магнитафонларидан тортиб олий класс «Маяк-001-стерео» стереофоник приставкаларигача —рўзғор магнитафонларини ишлаб чиқариш ана шундай тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бугунги кунда завод кассетали стереофоник «Маяк-231-стерео» магнитафон-приставкалари ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, серияли равишда тайёрламоқда. У музика мухлисларининг эътиборини албатта ўзига жалб этади.

ЦУМ.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

18—24 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналарида ишлаб чиқарилган

ЭРКАКЛАРНИНГ КУЗГИ МАВСУМБОП ПОЙАФЗАЛЛАРИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ.

САВДО-КЎРГАЗМАСИ

ПАҲЛАВОНЛАР УЧУН

Р·1062·81

«Ўзбекистон» фирма савдо бирлашмасининг 3-«Паҳлавон» магазинида (Фарҳод ярмаркаси)

18 ОКТЯБРДАН 23 ОКТЯБРГАЧА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилган эркаклар костюмларининг

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ўтказилади.

Савдо-кўргазмасига эркакларнинг катта размердаги костюмлари тақдим этилади.

МОДЕЛЬ Р-904— сунъий чармдан тикилган эркаклар костюми (размери 108-120). Пиджак — кокеткали, учта тугмача тақилади, кўракларида ва ён томонларида қоплама чўнтаклари бор. Ёқаси, этаклари, қоплама чўнтаклари орқа томонидаги боғичи, елкасининг ўртаси ва ён томонлари икки қатор чок билан тикилган.

Р·207

МОДЕЛЬ Р-1062—эркакларнинг жун костюми (размери 108—120, пиджак ва шимдан иборат). Пиджагига икки тугмача тақилади, чўнтаклари ўйилган, «хошияли», клапанлари бор, ўнг томондаги чўнтакнинг астари ичида чақалар учун чўнтакчаси мавжуд, ёқаси қайтарма шлицали ва уч тугмачали енглари қўш чок билан тикилган.

МОДЕЛЬ Р-207—жун газламадан тикилган эркаклар костюми (размери 132 — 140). Пиджак гавдага бирмунча ёпишиб туради, шими —узун ва манжетсиз, шлицали ва уч тугмачали енглари қўш чок билан тикилган.

Т·9284

МОДЕЛЬ Т-9284-- эркакларнинг нимчали жун костюми (размери 108-120). Пиджак бағирлари ўртадан икки тугмачага қадалади. Чўнтаклари ўйилган, «хошияли», клапанлари бор, шлицали ва уч безакли тугмачаси бўлган енглари қўш чок билан тикилган, ёқалари қайтарма.

Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 42-95-91).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/Х да **Бўрон**, 19/Х да **Икки дил достони**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/Х да **Парвона**, 19/Х да **Парвона**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —17/Х да **Олифта**, 19/Х да **Тўйдан олдин томоша**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 19/Х да **ёшлар учун дискотека** (19.30).

кино

17 ОКТЯБРДА **БАДИЙИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ХАВФЛИ ҚУВИШ»— **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.30).

«СЕВГИ ЁЗИ» —**Санъат саройи** (кичик зал, 17.00, 19.30, телефон 44-21-74).

«ЎРУШНИНГ ТЎРТИНЧИ ИЙЛИ ЭДИ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«БИЗ ЖАЗДАНМИЗ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ХАВФЛИ ЧИЗИҚ ЁНИДА» —**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

17 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«АУКЦИОН»

ЯНГИ БАДИЙИЙ ФИЛЬМИНИ НАМОЙИШ ҚИЛА БОШЛАДИ

Сценарий муаллифи — Н. ТИМЧЕНКО.
Режиссёр — В. КУРИКИН.
Ролларда: **Н. ПЕНЬКОВ, Л. ПРИГУНОВ, Л. НОРЕЙКА, С. СУХОВОЙ ва бошқалар.**

Икки асосий иштирок этувчи шахс—қирқ йилдан буён бирбирининг қадам босишини кузатиб бораётган рус Алексей Ермаков ва немис фон Риттер ўртасидаги яккама-якка кураш фильм драмасининг занжирини ташкил қилади. Ермаков—олий изчил аҳлоқли, ўзининг виждонини ютмасдан ҳеч қандай муросага бормайдиган инсон. Фон Риттер эса дунёда ҳамма нарса сотиб олинади ва сотиб юборилади деган ярамас одатга ишонади.

Улар биринчи марта 1942 йилда учрашиб қолдилар; Ёш барон фон Риттер бизнинг халқимизнинг қимматбаҳо бойликларини талон-тарож қилишга ихтисослашган махсус қисмнинг офицери эди. Бизнинг кунларимизда эса Риттер «Простор» от заводининг манежида ўтаётган халқаро ким ошди савдосида пайдо бўлиб, ўзининг бутун ҳаётини асл зотли машҳур отларни сақлаб қолишга бағишлаган Ермаков билан яна бир бор учрашади. Ўзининг ўтмишдаги қилмишлари фош этилишидан хавфсираган, ишбилармонлик обрўсини сақлаб қолишга уринган собиқ немис офицери уруш вақтида ўғирланган муҳим аҳамиятли ҳужжатларни Ермаковга қайтариб беришга мажбур бўлади.



«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

ҚИШДА ДАМ ОЛИШ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ ТУРИСТИК—ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЮРОСИ **1983 ИЙЛНИНГ ОКТЯБРЬ, НОЯБРЬ, ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИГА БУТУНИТТИФОҚ МАРШРУТЛАРИГА**

ПУТЁВКАЛАР ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

5— «СЕЛИГЕР КЎЛИ».
21—«УКРАИНА—МОСКВА».
52— «КИСЛОВОДСК—НАЛЬЧИК».
63—«ГРУЗИЯ ВА АРМАНИСТОН БЎЙЛАБ».
198—«НОВГОРОДДАН МОСКВАГАЧА».
222— «ДОНБАС».
290— «НЕМАН» ТУРБАЗАСИ.
300— «УКРАИНА—МОЛДАВИЯ».
543— «ШАРҚИЙ ҚРИМ БЎЙЛАБ».
548—«АРМАНИСТОНДАН ҚОРА ДЕНГИЗ БЎЙЛАБ».
549— «АРМАНИСТОН БЎЙЛАБ».

15 ноябрдан бошлаб Бутуниттифоқ маршрутларининг туристик путёвкалари сотилиши билан авиация билетларининг баҳоси 30 процент миқдорида имтиёзли арзонлаштирилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ САЁҲАТ ҚИЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Путёвкалар олиш учун ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 115-уй. Телефон 66-26-41.

Фрунзе районидаги 73-мактаб томонидан **Азизова Сайёра Йўлдошевна** номига берилган 540456 номерли йўқолган 8-синфни тугатганлиги тўғрисидаги

ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«КЕЛИНГ ТАНИШАЙЛИК» КЛУБИНИНГ АЪЗОЛАРИ **ДИҚҚАТИГА!**

КЛУБ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ МАДАНИЯТ САРОЙИГА (Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 30-уй)

КЎЧИРИЛДИ

ва

«ДИАЛОГ» ИЖТИМОИЙ — ПСИХОЛОГИК МАДАНИЯТ КЛУБИ ДЕБ

ҚАЙТА НОМЛАНАДИ

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 32-40-84, 32-47-85, 32-46-64, 32-43-13.

Тошкент шаҳар Куйбишев район Давлат страхование инспекциясига берилган йўқолган бахтсиз ходисалардан страхование қилиш тўғрисидаги АЭ серия 504086, 504087 номерли аризалар билан

СТРАХОВАНИЕ ГУВОҲНОМАСИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

АВТОМОБИЛНИ АВАЙЛАНГ

Ҳаммамиз «Автомобилдан сақланинг» фильмини яхши биламиз. Унинг бош қаҳрамони, автомобилларни ўғирлашда моҳир «мутахассис» Юрий Деточкиннинг саргузаштлари устидан беихтиёр кулганмиз.

Умуман ҳаётда бундай тасодифлар кулгили ва комик тарзда юз бермайди. Автомобиль ва бошқа транспорт воситаларини ҳайдаб миниб қочиш, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисалари бизнинг ҳозирги кунимизда ҳам учраб туради.

ЎЗ ТРАНСПОРТИНГИЗДАН КЎНГЛИНГИЗ ХОТИРЖАМ БЎЛИШИ УЧУН ГОССТРАХ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ.

Страхование шартномаси одатда бир йил (асосан) ёки икки ойдан тўлиқ ўн бир ойгача муддатга тузилади.

Қўшимча шартнома асосий шартноманинг мавжуд муддати ниҳоясига етгунча тузилади.

Страхование пули давлат мавжуд чакана нарҳларидан келиб чиқиб, транспорт воситасининг қийматидан ошмаган ҳолда унинг ишдан чиққанлиги ҳисобга олиниб суғуртачининг истагига биноан тузилади.

Давлат страхованиеси инспекцияси ёки страхование агентидан страхование шартлари билан батафсил танишилади ва шартнома тузилади.

Транспорт воситасини икки ёки ундан ортиқ муддатга танаффуссиз страхование қилдирган, суғуртачи бу вақт ичида ўз айби билан бирорта авария қилмаган бўлса, танаффуссиз янги муддатга шартнома тузишда имтиёзли тўлов ҳуқуқига эга бўлади.

Транспорт воситаси шахсий мулк ҳуқуқида тегишли бўлса; шу транспорт воситасидан фойдаланиш (ихтиёрига берилган) ҳуқуқини берадиган транспорт эгасининг тилхати нотариал идорасидан расмийлаштириб олинган бўлса, бу ҳолда улар суғуртачи бўлаоладилар.

Страхование шартномаси страхование агенти (инспекторига) нақд пул тўлаш ёки иш жойи бўйича бухгалтерия ташкилотидан нақдсиз пул ўтказиш йўли билан ҳам тузилиши мумкин.

Бахтсиз ҳодисалар (авария), олиб қочиш ва бошқалар юз берган ҳолларда старховаиечи бу ҳақда тегишли органлар (милиция, ГАИ)га дарҳол ва бир сутка давомида ҳодиса юз берган территориядаги ўша районнинг Госстрах инспекциясига ёзма равишда маълум қилиши лозим.

Страхование шартномаси авария, ёнғин, портлаш, чақмоқ зарби, довул, жала ва бошқа табиий офатлар, шунингдек транспорт воситаси ўғирланиши оқибатида шикастланиши муносабати билан ўғирланиши, шунингдек транспорт воситаси ўғирланиши ёхуд олиб қочилишида шикастланиши оқибатида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплашни (страхование пули атрофида) кафолатлайди.

Суғуртачининг хоҳишига биноан тўлов СССР Давлат Банки ёки омонат касса муассасасига чек берилиши ёки почта орқали суғуртачининг ҳисобига юборилиши мумкин.

ҲУРМАТЛИ АВТОМОБИЛЬ ҲАВАСКОРЛАРИ!

Биз Сизларга Давлат страхованиеси хизматидан фойдаланишингизни ва ўзингизнинг автомобиль, мотоцикл, мотороллёрингиз ҳақида барвақтроқ тараддуд кўришингизни маслаҳат берамиз.

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИНИНГ АДРЕСИ ВА ТЕЛЕФОНЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Киров—Боксерская кўчаси, 3-уй, Телефон 35-60-85.
Куйбишев—Луначарский шоссеси, 173-уй. Телефон: 66-17-70.
Ленин—Полторацкий кўчаси, 16-уй. Телефонлар: 33-24-03, 33-27-07, 33-38-20.
Октябрь—Ҳамза кўчаси, 10-уй. Телефон: 44-35-13.
Чилонзор—Халқлар Дўстлиги проспекти, 4«а»-уй. Телефонлар: 77-83-15, 47-83-16.
Фрунзе—Ш. Руставели кўчаси, 38-уй. Телефон: 55-37-13.
Сергели—Спутник, 7-квартал, 9-уй. Телефон: 53-83-68.
Ҳамза—М. Хасанова кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 96-43-02, 96-43-50; участка инспекцияси 96-79-62.
Собир Раҳимов—Қорасарой кўчаси, 270-уй. Телефонлар: 48-35-30, 48-37-40, 48-36-00.
А. Икромов—Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй. Телефон: 76-47-97.

ШАҲАР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 42-95-91).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

«Тошкент оқшоми» газетасига 1984 йил учун обуна давом этмоқда. Газетанинг бир йиллик обуна баҳоси— 7 сўм 80 тийин, ярим йилга—3 сўм 90 тийин. Обунани «Союзпечать» агентликлари ва бўлимларида, почтамтларда, алоқа бўлимларида, иш ёки ўқиш жойларида матбуотни жамоатчилик асосида тарқатувчилар кўмагида расмийлаштириш мумкин.

Азиз дўстлар! Маълумингиз бўлсинки, 1984 йил учун «Тошкент оқшоми»га обунани бир мунча ошириш кўзда тутилган. Шу кунларда эса «Тошкент оқшоми»га обуна кенг миқёсда олиб борилмоқда. Ўзингиз яшаб турган жойдаги алоқа пунктларида 1984 йил учун обунани расмийлаштириш ишлари қандай ташкил этилган? Шу масала бўйича таклифларингиз борми? Ана шулар ҳақида бизга батафсил ёзиб юборсангиз, деган умиддамиз. Бордию, бирор жойда сизга обуна масаласида рад жавобини бергудек бўлишса, бундай ҳолларда қуйидаги телефонлар орқали бизга мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз:

33—58—72, 33—57—02.

ТВ

17 ОКТЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевиденениенинг «Восток» программаси

17.00 «Караев чашмалари». СССР халқ ўқитувчиси А. Г. Караев ҳақида телевизион очерк. 17.30 «Буратино кўргазмаси». 18.00 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар: «Муз устида дуэт». «Ҳамма стартга!». «Гимнастика.. изланиш давом этади». 18.55 «Карьяла» ансамбли рақсга тушади. 19.25 Мультфильм. 19.40 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». 20.05 «Икки жангчи». Бадиий фильм (Тошкент киностудияси). 21.30 «Время». 22.05 «Қишлоқ меҳнаткашлари, Сизлар учун». Концерт. 23.20 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Сариқ тумшуқли Пики», «Қўшиқ». Мультфильмлар. 18.30 «Гулхан» журнали саҳифаларида. 19.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Бурчга садоқат». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Адабий театр. Х. Саъдулла. «Замин садоси». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевиденнесининг ва радиоси камер оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Оқ олтин» имтиҳони». Студентлар пахта даласида. 22.25 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм. 23.50 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 19.10 «Табиат садолари». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Иноқ оилада». Телевизион фильм. 19.45 Врач маслаҳати. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Севгилингни топ». Телевизион бадиий фильм («Ўзбектелефильм»).

18 ОКТЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевиденнесининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Тош гул». Мультфильм. 10.10 «Олдинда океан». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.15 «Ёшлар адреслари». 12.15 Ҳужжатли фильм. 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Салом, тулпорлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 15.50 «Ҳунар-техника ишлаб юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади». Металлург ва машинасоз кадрларни тайёрлаш ҳақида.

16.20 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 17.20 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.50 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув. 18.35 «Даю-до» кураши бўйича жаҳон чемпионати. В. И. Ленин номли Марказий стадионининг Спорт залидан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Сиз яратган боғ». 20.05 «Қасамёд». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Футбол шарҳи». 22.35 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. 23.40 «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденнесининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Совет киноси». Киножурнал. 19.00 «16 ёшгача.. ва ундан катталар». 20.00 «Инсон ва қонун». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Ўверда, менинг юртимда». Бадиий фильм. 23.25 РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Рожков чалади (балалайка).

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Математика. Тўғри бурчакли параллелепипеднинг ҳажми. 12.00 «Маҳорат билан ишлаш». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 Адабиёт. Уйғун — лирик шоир. 13.00 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Билмасвой Қуёшли шаҳарда». Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.50 «Замонавий меъморчилик обидалари». Тасвирий санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзодлар ҳақида ҳикоя. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Амалдаги интернационализм». «Ўзбекистон —Ноқоратупроққа». 1-кўрсатув (рус.). 20.10 «Хирург ва иммунологларнинг ижодий ҳамкорлиги». Кўрсатувда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги У. О. Орипов, СССР Медицина Фанлари академиясининг академиги Р. В. Петров. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. А. Кабанов, профессор Р. М. Ҳайитов иштирок этишади. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Баҳор» ансамблининг солистлари Г. Фозилжонова, Г. Аминова ҳамда Фарғона область филармониясининг солисти Қ. Юсупов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.25 «Телевидение экранида биринчи марта». «Дастлабки тергов». Бадиий фильм. 24.00 Янгиликлар.

II

9.00 — 16.30 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 19.10 «Давоми». Телевизион фильм. 19.40 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 Эстетика асослари. Меҳнат, ахлоқ ва турмуш эстетикаси (рус.). 21.00 «Шахсан жавобгар». Ҳужжатли фильм. 21.30 МТ II.

---

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

17 ОКТЯБРЬ, 1983 й. Р—10528. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12